

Дастурий-техник таъминот ва маълумотларни сақлаш маркази тугрисида

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Узбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти статистика бошкармаси Дастурий-техникавий таъминот ва маълумотларни сақлаш Марказининг (кейинги уринларда Марказ деб аталади) макоми, асосий вазибалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Марказ Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги "Узбекистон Республикаси Давлат статистика кумитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида"ги ПҚ^А-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Сурхондарё вилояти статистика бошкармасининг (кейинги уринларда Бошкарма деб аталади) таркибий бўлинимаси ҳисобланади.

3. Марказ уз фаолиятида Узбекистон Республикаси Конституциясига, Узбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тугрисида"ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг меъерий қарорларига, Узбекистон Республикаси Президенти қарорлари, қарорлари ва қарорномашларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва қарорномашларига Узбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қарорлари ва қарорномашларига, "Узбекистон Республикаси Давлат статистика кумитаси тугрисида"ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Марказ фаолияти ҳудудий статистика органларида ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ахборот хавфсизлигини ва дастурий таъминот ва маҳсулотлар билан таъминлашга йуналтирилган.

5. Марказ уз фаолиятини Сурхондарё вилояти статистика бошкармаси бошлиги рахбарлигида амалга оширади.

2-боб. Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Марказнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

а) ҳудудий статистика органиларида АКТ ривожлантириш соҳасида:
худудий статистика органиларида АКТни жорий этиш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш;

статистика органиларида кулланиладиган дастурий таъминотни техник куллаб-қувватлаш;

худудий статистика органилари эҳтиёжлари учуц дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

худудий статистика органилари томонидан курсатиладиган интерактив давлат хизматларини жорий этиш ва ривожлантириш;

худудий статистика бошкармаси расмий веб-сайтини ишлаб чиқиш ва юритиш;

вилоятларда АКТни ривожлантириш буйича таклифларни ишлаб чиқиш;

б) ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот тизимларн тармоқларини бошқариш соҳасида:

ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона технология сиёсатини амалга ошириш;

тармоқдарнинг топологиясини, тармоқ ва коммуникация ускуналарини тузилишини аниқдаш;

маъмурий ва туман (шахар) статистика булимларида маҳаллий компьютер тармогини бошқариш;

сервер ускуналарини, маҳаллий маълумотлар базаларини ва ахборот тизимларини бошқариш;

Худудий статистика органиларининг маълумотларини архивлаштириш ва лаш;

в) техник ривожлантириш ва хизмат курсатиш соҳасида:

хисоблаш техникаси, тармок ва периферия ускуналар, телефон алокалари воситаларини техник куллаб-кувватлаш;

компьютер техникаси паркини янгилаш буйича таклифларни ишлаб чиқдш худудий статистика органларида периферия ускуналар, шунингдек уларни амалга ошириш;

нусха кучириш ва купайтириш ишларини ишлаб чиқариш, худудий статистика органларининг эхтиёжлари учун маълумотнома, укув-методик, илмий, ҳукукий ва бошқд адабиётларни чиқариш.

7. Марказ олдиға куйган вазифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни бажаради:

худудий статистика органларида Давлат статистика кумитаси томонидан ишлаб чиқдган ахборот тизимларини жорий этишни амалга оширади;

худудий статистика бошқдрмаси расмий сайтининг мазмуни ва уни тулдириш билан маъмурий ишларни амалга оширади;

тармокдарнинг топологиясини, тармок. ва сервер ускуналари таркибини, шунингдек тизим дастурларини аниқдайди;

ахборот ресурслари ва тизимларининг иш фаолийатини назорат килади;

фойдаланувчиларнинг ишини назорат килади ва қабул қилинган ахборот хавфсизлиги сиёсати ва ташкилий-маъмурий хужжатларға мувофик бошқа вазифаларни бажаради;

домен зоналари, серверлари, иш станциялари, худудий статистика органларининг маҳдплий ва корпоратив тармоклари фаолийатини куллаб-кувватлашни таъминлайди;

уз ваколатлари доирасида ахборот хавфсизлиги бузилишларини текшириш ишларида иштирок этади;

худудий статистика органлари ходимлари электрон почта хабарлари, реал вақтда матнли хабарлар, аудио-видео конференциялар ва боншцалар орқали узаро алоқа воситаларини таъминлайди ва куллаб-кувватлайди;

барча хужжатлар, файллар ва статистика маълумотларини электрон шаклда архив сакдашни ҳукуқи чекланган махсус папкаларда амалга оширади;

Интернетға тармоғиға киришни куллаб-кувватлайди;

худудий статистика органларида компьютер техникаси, периферия ускуналари ва нусха кучириш ускуналарини кузатиб боради ва қайд этади;

техник хужжатлар талабларига мувофик, профилактик ва режали огохлантириш ишларни олиб боради;

компьютер техникаси ва бошка техник воситаларни сотиб олиш буйича таклифлар тайёрлайди;

телефон линиялари, алока асбоб-ускуналарининг узлуксиз ва сифатли ишлашини таъминлайди;

фойдаланувчиларнинг буюртмалари буйича статистика бюллетенлари, йигма ва бошка хужжатларнинг тезкор ва юкрри сифатли нусхаларини ишлаб чикаради.

3-боб. Марказнинг ҳуқук ва мажбуриятлари

8. Марказ узига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажаришда куйидаги ҳуқукдарга эга:

узига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш давомида белгиланган тартибда Бошкарма булинмалардан маълумотларни сураш ва олиш;

Бошкарма раҳбариятига ҳудудий статистика органларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари буйича таклифлар киритиш;

ҳудудий статистика органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш буйича ишларни мувофиклаштириш;

Марказ ваколатига қирувчи ишларни бажариш буйича мувофиклаштириш ва назорат қилиш;

Марказ ваколатига қирувчи масалалар буйича Бошкарма булинмалари билан инструктив мажлислар утказиш;

Марказ фаолиятига тааллуқли масалалар буйича конференция ишларида, шу жумладан семинар ва мажлисларда, шунингдек лойихаларда иштирок этиш.

9. Марказнинг жавобгарлиги:

Узига юклатилган вазифаларни ҳақдоний тарзда ва самарали амалга ошириш;

ваколатига қирувчи тахлилий ва бошка маълумотларни юқори даражада таёрлаш;

Марказга такдим этилган лойихалар хужжатларини, таклиф ва саволларини сифатли бажаришни ташкил қилиш;

Марказ ходимлари томонидан белгиланган меъёрий-ҳуқуқий хужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш;

Марказга келиб тушган ва чиқдетган материаллар буйича давлат ва тижорат сирларининг сақланиши, яққа тартибдаги маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиниши учун жавобгар булади.

4-боб. Марказ тузилмаси

10. Марказ тузилмаси Марказ бошлигини уз ичига олади, шунингдек:

Марказда муҳандис-дастурчилар, ҳисоблаш техникасини таъмирлаш

муҳандислар, муҳандис- система маъмурилар ва ахборот хавфсизлиги буйича муҳандисларни уз ичига олади.

11. Марказнинг ишларида Марказ бошлиги раҳбарлик қилади.

12. Марказ бошлиги ва бошқд мутахассислар Бонцарма бошлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Марказ бошлиги ва бошқд мутахассислар лавозимига Давлат статистика кумитаси билан келишган ҳолда тайинланади.

5-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиш

14. Марказ фаолияти Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тугрисида" ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Давлат статистика ишлари дастурига, Давлат статистика кумитаси томонидан тасдиқланган Давлат статистика ишлари дастурига, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кумитаси тугрисидаги Низомга, ушбу Низомга, буйруқ, ва фармойишларга мувофиқ, ташкил этилади. Давлат статистика кумитаси Раиси курсатмаларига, идоралар раҳбарининг буйруқдар ва йуриқномаларига, шунингдек, давлат органларининг режалари асосида, Марказ иш режалари ва Марказ ходиқларининг функционал мажбуриятлари асосида ташкил этилади.

Марказнинг иш режаси Сурхондарё вилояти статистика бопцармаси бошлиги томонидан тасдиқланадиган Сурхондарё вилояти статистика боицармасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва бошқдрма бошлиги томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал мажбуриятлари Марказ бошлиги томонидан тайинланган вазифалар асосида тайёрланади ва бошқарма бошлиги томонидан тасдиқланади.

15. Марказ бошлиги:

Марказнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади, марказ таркибига қирувчи ходимларнинг ишларини ташкиллаштиради, Марказга юклатилган вазифа ва функцияларни бажарилиши, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Марказ ходимлар жадвали ва тасдиқданган тузилмага мувофиқ, номзодларни малака даражасини ошириш, касбий фаолиятини ошириш, имтиёзлар ва уларни интизомий жазолаш чора тadbирларини аниқдик ва диққат билан урганиб чиққан ҳолда раҳбариятга қуриб чиқиш учун тақдим этади;

Марказ иш режа лойиҳасини ишлаб чиқиб тасдиқлаш учун бошқарма бошлигига тақдим этади;

Марказ ходимлари уртасида мажбуриятларни тақсимлайди;

Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси мажлислари ва йиғилишларида, шунингдек Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси раҳбарияти топширигига асосан марказ фаолиятига қирувчи ва идоралараро ишчи гуруҳлар масалаларида иштирок этади;

Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси бошлиги ва унинг уринбосарлари топшириқларига мувофиқ материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, қуйилган устувор вазифаларни ечишда янада самарали тақлифларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашни амалга оширади;

ахборот-коммуникация технологияларини ва интерактив давлат хизматларини ривожлантиришда, булинма раҳбарлари ҳамда мутахассисларга консултатив ва услубий ёрдам курсатади;

Давлат статистика кумитасининг ва Бошқарманинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофиқ Марказ ваколатига қирувчи масалалар бўйича таҳдилий ва бошқарма материалларни уз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

Марказ ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тулдириш чораларини куради;

Марказ кадрлар захирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар захирасига қиритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

Марказ ходимлари билан юклатилган вазифалар кирувчи хужжатларни назорат килиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йуриқнома бериш буйича йигилишлар утказади;

иш юритишни олиб бориш, топшириқдарни уз вақтида ижро этилишини катъий назорат килиш буйича ишларни ташкил килади, ходимлар томонидан хизмат хужжатлари билан ишлаш ва уларни сакдаш буйича ишларнинг белгиланган тартибига амал килинишини таъминлайди.

16. Марказ бошлиги вақтинчалик булмаган тақдирда унинг вазифасини етакчи тизим-муҳандис маъмури бажаради;

17. Булим етакчи муҳандис - тизим маъмури ва 1-тоифали муҳандис тизим маъмури:

функционал мажбуриятларга мувофиқ таъйёрланган материаллар, тақлифлар ва лойиха хужжатлари сифатини, ишончлилиги ва уз вақтида бажарилиши учун шахсан жавобгар булади;

Давлат статистика кумитаси тизимида яхлит ва хавфсиз ахборот маконини яратади;

Тармокнинг топологиясини, тармок ва алоқа ускуналарини тузилишини аниқдаиди;

статистика бошкармасининг локал тармоклари ва худудлардаги булимлар локал тармоқдари асосида узаро ташкил этилган корпаратив тармокнинг фаолият курсатишини бошқаради;

статистика бошқармаси Интернет тармогига уланишни ташкил этади ва ишлашини таъминлайди;

бошқармаси расмий веб-сайтининг иш ^ч статистика фаолиятини таъминлайди.

статистика бошқармаси ахборот тизимларига ва тармок сервислардан фойдаланувчиларга берилган ваколатлар доирасида фойдаланишнинг чекланишини таъминлайди;

худудий статистика органлари фаолиятини комплекс ва мақсадли урганишларда иштирок этади;

Марказ бошлигининг топширигига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги муурожаатларни, куриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда курсатилган масалаларни хал килиш буйича лойихани тайёрлайди;

рахбариятнинг топшириқдарига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

18. Марказнинг етакчи муҳандис-дастурчи, 1-тоифали муҳандис-дастурчи;

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва уз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

фойдаланувчиларга дастурий таъминот, Интернет ресурслари ва маълумотлар базалари билан ишлаш бўйича техник ёрдем ва маслаҳат беради;

худудий статистика органлари фаолиятининг комплекс ва аниқ йуналтирилган тадқиқотларида иштирок этади;

Марказ раҳбарининг топширигига биноан жисмоний ва юридик шахслардан, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган мурожаатларни куриб чиқиш учун зарур материаллар тайёрланадиган масалалар бўйича қарорлар лойиҳдсини тайёрлайди; раҳбариятнинг тотнирикларига мувофиқ жорий ишларни бажаради; вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

19. Булим ахборот хавфсизлиги бўйича етакчи муҳандиси:

ахборот хавфларини таҳдид қилиш, ахборот оқими каналларини аниқдаш ва бартараф қилади;

қабул қилинган чора-тадбирлар ва кулланилаётган ахборотларни химоя қилиш воситаларини кузатади ва самарадорлигини баҳолайди;

статистика бошқармасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича истикболли ва жорий режалари ҳамда тадбирларни ишлаб чиқади;

ахборотлари химоя қилиш воситаларининг ишлашини назорат қилади;

компьютер жинойтлари ва жинойтларнинг олдини олиш бўйича фаолиятни амалга оширади;

тарқатилиши чегараланган маълумотларни ошқор қилиш, ҳамда ҳужжатларини йукотиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқданган бошқа қонунбузарликларни текширишларида иштирок этади;

худудий статистика органлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишларда иштирок этади;

Марказ бошлигининг топширигига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, куриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда курсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топшириқдарига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Ҳисоблаш техникасини таъмирлаш буйича етакчи муҳандиси, ҳисоблаш техникасини таъмирлаш буйича 1-тоифали муҳандисларн:

телефон ва бошқа алоқа ускуналаридан фойдаланишни такомиллаштиради ва таъмирлайди;

статистика бошқармасининг балансидаги компьютер техникасини таъмирлайди ва техник хизмат курсатади;

статистика бошқармаси балансидаги компьютер техник қурилмаларини модернизация қилиш, ҳамда фойдаланишда доимий ва сифатли ишлашини таъминлайди;

Марказ бошлигининг топширигига мувофиқ; жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, қуриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда курсатилган масалаларни ҳал қилиш буйича лойихани тайёрлайди;

рах,бариятнинг топшириқдарига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.